

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

АБРИЕВ ҲАЗРАТҚУЛ БЎРОНОВИЧ

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МЕЪМОРИЙ
ОБИДАЛАРНИНГ БУНЁД ЭТИЛИШ ТАРИХИ

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on historical sciences**

Абриев Ҳазраткул Бўронович

Амир Темур ва Темурийлар даври меъморий обидалар бунёд этилиши
тарихи 3

Абриев Ҳазраткул Бурунович

История строительства архитектурных памятников периода Амира Темура и
Темуридов..... 25

Abriev Khazratkul Buronovich

History of Amir Temurand Temurid period architectural monumet 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

АБРИЕВ ҲАЗРАТҚУЛ БЎРОНОВИЧ
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МЕЪМОРИЙ
ОБИДАЛАРНИНГ БУНЁД ЭТИЛИШ ТАРИХИ

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tar1276 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупова Дилором Юнусовна
тарих фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович
тарих фанлари доктори, профессор

Мадраимов Абдумажид Абдураимович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тарихида ижтимоий-маданий соҳа ва унинг таркибий қисми бўлган меъморий обидалар ҳар бир халқнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини аниқлаш имконини берувчи муҳим элементлардан бири саналади. Аста-секин шаклланаётган иқтисодий ва маданий жараёнлар марказида инсоният учун барқарор жамиятни таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Инсонларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлашда таълим муассасалари алоҳида ўринга эга. Эндиликда дунё мамлакатларининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёнида халқаро ҳамкорлик дастурларининг аҳамияти юқори бўлиб, 2015 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар»ини муҳим роль ўйнайди.

Дунёнинг ривожланган халқаро илмий тадқиқот марказлари ва университетларида Темурийлар даври тарихи, маданияти ва таълим тизимини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Жумладан, Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлардаги таълим соҳаси, мадрасаларнинг давлат ва жамияти ривожига таъсири каби масалалар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари ҳисобланган Индиана университети (АҚШ)нинг «Марказий Осиё тадқиқотлари» факультети, Гарвард университети (АҚШ)нинг қошидаги Россия ва Евросиёни ўрганиш бўйича «Дэвис маркази», Кембриж университети (Буюк Британия)нинг «Марказий Осиё бўлими», Ҳиндистон Республикаси Ж.Неру ҳамда Кашмир университетлари қошидаги «Марказий Осиё муаммоларини ўрганувчи илмий марказ»ларда алоҳида эътибор берилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда бой маданий меросни асраб-авайлаш, маданиятимизни жаҳон ҳамжамиятида тарғиб қилиш ва таълимда замонавий тадқиқот усуллари тарихий изланишларга кенг жорий этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти тўғри таъкидлаганидек: «Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда»¹. Бугунги кунда Ўзбекистонда «Учинчи Ренессанс» даврига пойдевор қуриш учун таълим тизимининг тарихий асослари, Амир Темур ва Темурийларнинг меъморчилик ҳамда ободонлаштириш соҳасида олиб борган давлат сиёсати ва унинг моҳиятини чуқур ўрганиш, изчиллик билан манбалар асосида ёритиб бериш муҳим илмий аҳамиятга эга. Темурийлар давлатида илм-фан ва маданият соҳасида ўзига хос ўрин тутган Мовароуннахр ҳамда Хуросондаги меъморчилик ва ободончилик ишларини тадқиқ этиш танланган муаммонинг хусусий жиҳатларини аниқлаш ҳамда тизимли равишда ўрганишга имкон беради. Бу эса диссертациянинг тарих фани соҳасидаги заруратини кўрсатади.

¹ Xs.uz.uzkr.post.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4797-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги «Таълим тўғрисида»ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни, шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йуналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йуналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амир Темур ва Темурийлар ҳуқумронлиги даврида бунёд этилган меъморий обидалар тарихига доир илмий адабиётлар ва манбалар тарихшунослик ва манбашунослик нуқтаи-назаридан таҳлил қилинган.

Амир Темур ва Темурийлар даври меъморий обидалар бунёд этилиши тарихий манбалар ва шу даврга оид тадқиқотларда ўз аксини топган. Тарихий манбаларда Испаниялик элчи Руи Гонсалес де Кловихо кундалигидаги, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари), Фасих Хавофийнинг «Мужмал-и Фасихий», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн вамажмаи баҳрайн», Бобурнинг «Бобурнома», Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сияр», «Хулосат ал-ахбор», «Макоримал-ахлоқ», Мирза Муҳаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий» каби асарларда маълумотлари асосида маданий ҳаёт, меъморчилигини ҳамда ободончилик ишларига аниқлик киритишга замин яратади².

²Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 —1406 йиллар) / Русчадан О.Тоғаев таржимаси // Санъат. 1989. № 9 — 12; 1990. № 1-10; Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўғирувчи – Юнусхон Ҳақимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи — Ҳабибулло Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – Омонулло Бўриевники). – Тошкент, 1976; Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Нашрга тайёрловчи, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи А.Ўринбоев. Масъул муҳаррир А.К.Арендс. Тошкент, 1972; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни филология фанлари номзоди У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. I- II китоб. Тошкент, 1992.; Фасихи Хавофий. Мужмали Фасихи. Ба тасхихи ва тахшиийи Махмуд Фаррух, 1- ж. Тус, 1962; 2-ж. Тус - Машхад, 1961. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II-ж. I-кисм / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар А.Ўринбоевники. Тошкент, 1969; Бабур. Книга II. Бабурнаме / Сост. С.А.Азимджанова. Отв.ред. Музаффар Хайруллаев. Пер. М.Салье. Ташкент, 1982; Хондемир. История монголов от древнейших времен до Тамерлана / Пер. В.В.Григорьева. Спб., 1834; Хондемир Гиясаддин. Книга благородных качеств. [Сокращенный перевод М.А.Салье] // Родоначальник узбекской литературы. Ташкент, 1940. С. 177 — 214; Хондемир Гиясаддин. Книга благородных качеств / Подг.к печати С.Муталибов. Ред. В.Захидов. Ташкент, 1941; Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент, 1967; Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди /

Бу борадаги дастлабки изланишлар XIX аср охирларидан бошлаб, мустақиллик йилларигача асосан В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, М.Е.Массон, И.П.Петрушевский, Г.С.Пугаченкова, В.М.Массон, В.А.Родмин, В.Луниин, И.А.Муминов, А.Ўринбоев, Б.А.Аҳмедов, Д.Юсупова, У.Уватов, О.Бўриев каби тадқиқотчилар томонидан Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилик ва ободончилик ишлари бўйича тадқиқотлар олиб борган³.

Манбалар ва адабиётлар мазмуни таҳлиliga кўра, Амир Темур ва Темурийлар даври меъморий обидалари ҳақида келтирилган маълумотлар бир бутун қилиб жамланмаган ҳамда барчасини объектив деб қабул қилиб бўлмайди. Манбаларни танқидий, қиёсий ўрганиш, яратилган тадқиқотларни чуқур таҳлил этишни ҳамда яхлид бир тизмга киритиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АД-1 – «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи; муносабатлар ва қарашлар (2016–2020 йй.)» мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIV–XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда меъморчилик ҳамда ободонлаштириш ишларини ёзма манбалар асосида очиб беришдан иборат.

Введение, пер.с перс. А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой. Примеч. и указат. Р.П.Джалиловой и Л.М.Епифановой. – Ташкент, 1996.

³Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. Т-2, Часть 2, - Москва, 1964, С.124-126; Болдырёв А.Н. Мемуары Васифи как источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV-XVI вв. // ТОИКИВ государственного Эрмитажа. – Ленинград, 1939, Т-2. С.203-274; Ваймерн Б. Медресе Улугбека//Регистан в Самарканде. – Москва, 1946, С.13-21. Беленицкий А.М. Историческая топография Герата XVII вв. //Алишер Навои. Сборник статей. – Москва-Ленинград, 1946, С.175-202;Веселовский Н.И., рец.: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура, 1881 // Журнал Министерства народного просвещения. 1882; Массон М.Е. Мавзолей Гур Эмир, усыпальница Тимуридов, изд. 2-е. – Самарканд. 1920; Петрушевский И.П. К истории института сойургала // Советское востоковедение. Т. 6. Москва-Ленинград. 1949; Ўша муаллиф. Движение сербедаров в Хорасане // Ученые записки Института востоковедения АН СССР. Т. XIV. М.1956; Пигулевская Н.В., Якубовский А.Ю., Петрушевский И.П., Строева Л.В., Беленицкий А.М. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII в. Ч-1. 1958; Пугаченкова Г.А. Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и Тимуридов // Труды Среднеазиатского государственного университета. Нов. сер. Вып. 57. Исторические науки.Кн.7. – Ташкент. 1957; Пугаченкова Г.А., Ремпель Р.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана.Ташкент, 1958; Ўша муаллиф. Архитектурные памятники Мавераннахра эпохи Улугбека // Из истории эпохи Улугбека, Ташкент, 1965; Массон В.М, Ромодин В.А. Тимур и Тимуриды // Массон В.М, Ромодин В.А. История Афганистана. Т. С древнейших времен до начала XVI в. – Москва. 1964; Луниин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент.1965; Ўша муаллиф. История, культура и искусство времени Тимуридов в советской литературе (Библиографический указатель) // Общественные науки в Узбекистане. 1969; Муминов Иброхим. Самарканд – столица Тимуридов (Темур и его правление) // История Самарканда. Т. 1, Ташкент.1969, Али Кушчининг бир рисоласи ҳақида // Фан ва турмуш. 1967.№5.

³И.Каримов. Бунёдкорлик йулидан. 4-том.Тошкент. «Ўзбекистон». 1996; Ўрунбаев А.Абдураззак Самарканди. – Ташкент. 1965, Шараф ад-Дин Али Йазди и рукопись его труда // Шараф Ад-Дин Али Йазди. Зафарнаме / Подг. к печати, предисл. А.Урунбаева. Под ред. А.К.Арендса. – Ташкент. 1972;Ахмедов А. Хондамир. – Тошкент.1965,Улугбек. – Тошкент, 1989. Юсупова Д.Ю. «Муджмал-и Фасихи» — свод исторических сведений XIV—XV вв. // Общественные науки в Узбекистане. 1972. № 6,«Муджмал-и Фасихи» как источник по истории Средней Азии и Среднего Востока. – Ташкент, 1974, Жизнь и труды Хондамира. – Ташкент.2006; Уватов У. Ибн Арабшах о Тимуре // Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока / Сб. статей молодых ученых и аспирантов Института востоковедения АН УзССР. Вып.1. Ташкент.1970, Ибн Арабшах и его сочинение «Аджаиб ал-макдур фи тарихи Таймур» Автореф. канд. дисс. – Ташкент, 1974.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Амир Темур ва Темурийлар даврига оид меъморий обидаларнинг бунёд этилиши ҳақидаги тарихий-илмий маълумотларни таҳлил қилиш;

Амир Темур ва Темурийлар даврига оид меъморий обидаларнинг қурилиши тарихшунослигини ёритиб бериш;

XIV–XV асрларда Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида меъморий обидаларнинг тутган ўрнини очиқ бериш;

меъморий обидалар Темурийлар даври маданиятининг пойдевори эканлигини асослаш;

меъморий обидаларнинг бунёд этилиши ва ободонлаштириш ишларининг шаклланиши ҳамда уларга доир локал хусусиятларни ўрганиш;

меъморчилик ва ободончилик ишлари ривожда муҳим роль ўйнаган уста-меъморлар фаолияти, ишлатилган хом-ашёлар, безаклар ҳамда уларнинг тутган ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Амир Темур ва Темурийлар даврига оид меъморий обидаларнинг бунёд этилиш тарихи танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Амир Темур ва Темурийлар даврига оид меъморий обидаларнинг қурилиши таҳлили ташқил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик, объективлик, миқдорий, тизимли таҳлил ва муаммовий-хронологик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Темурийлар сулоласи вакиллари Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Бибихоним, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоий каби талаба-ёшлар тафаккурини бойитувчи тарихий шахслар қаторида Халил Султоннинг Термиз шаҳрини қайта тиклаши, Бади-уз-замон, Гавҳаршод бегим ва Милкат ого бегимларнинг Ҳирот шаҳридаги меъморчилик ва ободончилик фаолияти манбалар асосида очиқ берилган;

илк ўрта аср шаҳарсозликдаги арк, шахристон, работ тушунчаларидан Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳрнинг яхлит маъмурий марказлари сифатида шаклланган Самарқанд, Кеш, Бухоро, Шоҳруҳия, Ҳиротда шаҳарсозлик маданиятининг тараққиётида «Ҳисор» атамаси фарқи, улардаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари ҳамда савдо-ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиши манбалар асосида исботланган;

Амир Темур ва Мирзо Улуғбек томонидан Самарқанд шаҳрида бунёд этилган боғлар, уларнинг жойлашуви, хусусияти, Ҳирот шаҳарида Шоҳруҳ Мирзо ҳамда Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан барпо этилган маҳаллалар, боғлар, каналлар, кўприкларнинг тарихий аҳамияти манбалар асосида далилланган;

Амир Темур ва Темурий ҳукмдорлар томонидан Мовароуннаҳр ҳамда Хуросон худудларида бунёд этилган меъморий обидалар тарихини ёритувчи манбалардаги маълумотларга аниқлик киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация устида ишлаш жараёнида Амир Темур ва Темурийлар даврига оид турли манбалардан олинган кенг кўламдаги материаллар ҳамда ҳужжатлар тадқиқот ишига жалб

этилди. Тадқиқотнинг асосий манбасини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонаси ва қўлёзма ҳужжатлари ташкил этади. Илмий адабиётлар ҳамда хорижий манбаларга асосланганлиги, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар республика ва хорижий илмий нашрларда, конференцияларда кенг муҳокама қилинганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XIV–XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда меъморчилик ҳамда ободончилик фаолиятига доир маълумотлар Амир Темур ва Темурий ҳукмдорлар олиб борган сиёсатнинг туб моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи назарий методологик ёндашувларни мукамаллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илмий натижалардан олий таълим муассасаларида» Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари – Ватанимиз тарихини ўрганишнинг муҳим моддий манба», «Амир Темур давлати тарихи», «Тарихшунослик ва манбашунослик», «Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий-меъморий обидаларини таъмирлаш ва қайта тиклаш» каби фанларини ўқитиш ҳамда ушбу фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амир Темур ва Темурийлар даврига оид меъморий обидаларнинг бунёд этилиши тарихини тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

XIV–XV асрларда Амир Темур ва Темурийларнинг Мовароуннаҳрда амалга оширган боғдорчилик ва ободончилик ишларини о'рганиш ҳамда юртимизнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ҳужжатлар фондига «Амир Темур боғларининг жойлашув тарихи» тузилиб жойлашуви харитаси тақдим этилди (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон маълумотномаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Самарқанд вилояти туризм ва сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш учун «Амир Темурнинг 12 боғи ҳақидаги ахборотни улар жойлашган жойи, ҳар бир боғ хусусиятлари, майдони, яратилиш тарихини ёритувчи интерфаол хариталар» ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги Самарқанд вилояти туризм ва спорт бош бошқармасининг 2021 йил 18 декабрдаги № 02-05/1612-сон маълумотномаси). Келтирилган маълумотлар асосида Амир Темур даврига оид боғларни қайта тиклаш учун амалий ишлар олиб боришга имконият яратилган;

Амир Темур ва Темурий ҳукумдорларнинг даврида илм-фан ва меъморчилик соҳасидаги ютуқларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида «Ўзбекистон тарихи» телеканалда эфирга узатиладиган «Тақдимот» кўрсатувининг «Амир Темур ва Темурийлар даври меъморий обидалари бунёд этилиши» сонини тайёрлашда ҳамда мазкур телеканалда эфирга узатилган «Кўҳна манзиллар» туркум кўрсатувлари сценарийсини шакллантириш учун «Бибихоним мақбараси», «Бибихоним масжиди» ва «Улуғбек расадхонаси»

каби меъморий иншоотларнинг бунёд этилиши тарихига оид кўрсатувлари тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон тарихи» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 6 декабрдаги 02-70-2576-сон ҳамда мазкур телерадиоканалнинг 2021 йил 6 августдаги 40-40-1298-сон маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётда қўлланилиши Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихини ёритишда муҳим асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот асосий натижалари 2 та халқаро ва 10 дан ортиқ республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 3 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 159 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектива предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Амир Темур ва Темурийлар даври меъморий обидалари бунёд этилиши манбашунослиги ва тарихшунослиги**» деб номланган биринчи бобида Амир Темур ва Темурийлар ҳукумронлиги даврида бунёд этилган меъморий обидалар тарихига доир илмий адабиётлар ва манбалар гуруҳларга ажратилиб таҳлил қилинган.

Масаланинг тарихшунослик таҳлилига кўра, бугунги кунга қадар мавзу доирасида яратилган тадқиқотларни даври, географик ҳудуди, тили ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда уч гуруҳга: 1. Темур ва Темурийлар даврида яратилган асарлар(манбалар). 2 Россия империяси ва совет даврида чоп этилган адабиётлар. 3. Мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар ва нашр этилган адабиётлар.

Биринчи гуруҳга оид тадқиқотлар Амир Темур ва Темурийлар даври меъморий обидалар бунёд этилиши тарихий манбалар ва шу даврга оид тадқиқотларда ўз аксини топган. Биз буларни тарихий манбалар, хусусан,

Испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо кундалигидаги⁴, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»⁵, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»⁶, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари)⁷, Фасих Хавофийнинг «Мужмал-и Фасихий»⁸, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн вамажмаи баҳрайн»⁹, Бобурнинг «Бобурнома»¹⁰, Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сияр», «Хулосат ал-ахбор», «Мақоримал-ахлоқ»¹¹, Мирза Муҳаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий»¹² каби асарларда маълумотлари асосида маданий ҳаёт, меъморчилигини ўрганишимиз мумкин. Буларнинг ҳар бири маълум илмий аҳамиятга эга, аммо улардаги ўша давр маданий ҳаёт ҳамда ҳукмрон сулола вакиллари меъморий обидалар қурилиши ва мамлакатни обод этиш жараёнини ўрганиб чиқиш зарур, деган фикр уйғотади.

Иккинчи гуруҳга оид тадқиқотлар Россия империяси ва совет даврида амалга оширилган ишлар бўлиб, империя нуқтаи-назаридан ва большевиклар мафкураси таъсиридаги ғоялар билан суғорилган асарлар ҳисобланади¹³. Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даври маданияти XIX аср охиридан бошлаб, мустақиллик йилларигача асосан В.В.Бартольд¹⁴, Н.И.Веселовский¹⁵, М.Е.Массон¹⁶, И.П.Петрушевский¹⁷,

⁴Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 —1406 йиллар) / Русчадан О.Тоғаев таржимаси // Санъат. 1989. № 9 — 12; 1990. № 1-10.

⁵Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўғирувчи — Юнусхон Ҳақимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи вамаъсул муҳаррир — Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи — Ҳабибулло Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи — Омонулло Бўриевники). Тошкент, 1976.

⁶Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Нашрга тайёрловчи, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи А.Ўринбоев. Масъул муҳаррир А.К.Арендс. Тошкент, 1972.

⁷Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни филология фанлари номзоди У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. I- II китоб. Тошкент, 1992.

⁸Фасихи Хавофий. Мужмали Фасихи. Ба тасхихи ва тахшияйи Махмуд Фаррух, 1- ж. Тус, 1962; 2-ж. Тус - Машхад, 1961.

⁹Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II-ж. 1-кисм / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар А.Ўринбоевники. Тошкент, 1969.

¹⁰Бабур. Книга II. Бабурнаме / Сост. С.А.Азимджанова. Отв.ред. Музаффар Хайруллаев. Пер. М.Салье. Ташкент, 1982.

¹¹Хондемир. История монголов от древнейших времен до Тамерлана / Пер. В.В.Григорьева. Спб., 1834; Хондемир Гиясаддин. Книга благородных качеств. [Сокращенный перевод М.А.Салье] // Родоначальник узбекской литературы. Ташкент, 1940. С. 177 — 214; Хондемир Гиясаддин. Книга благородных качеств / Подг.к печати С.Муталибов. Ред. В.Захидов. Ташкент, 1941; Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. Тошкент, 1967.

¹²Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, пер.с перс. А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой. Примеч. и указат. Р.П.Джалиловой и Л.М.Епифановой. Ташкент, 1996.

¹³Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. Т-2, Часть 2, Москва, 1964, С.124-126; Болдырёв А.Н. Мемуары Васифи как источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV-XVI вв. // ТОИКИВ государственного Эрмитажа. Ленинград, 1939, Т-2. С.203-274; Ўша муаллиф. Очерки из жизни гератского общества на рубеже XV-XVI вв. // ТОВ государственного Эрмитажа. Т-4, Ленинград-Москва, 1989, С.8-9. Ваймерн Б. Медресе Улугбека//Регистан в Самарканде. — Москва, 1946, С.13-21. Беленицкий А.М. Историческая топография Герата XVII вв. //Алишер Навои. Сборник статей. — Москва-Ленинград, 1946, С.175-202.

¹⁴Бартольд В.В. Хафизии Абури и его сочинения // Сборник статей учеников В.Р.Розена. Спб., 1897; Ўша муаллиф. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч.1.Тексты. Спб. 1898.; Ўша муаллиф. Мечеть Биби Ханум // Русский Туркестан. М. 1899. № 34. (Бартольд В.В. Соч. Т.4. М. 1966); Ўша муаллиф. Тимур (Тамерлан) // Энциклопедический словарь «Брокгауз-Ефрон», Т.33. Спб. 1901; Ўша муаллиф. Народное движение в Самарканде в 1365 году // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. Т.17, Спб. 1907 (Бартольд В.В. Соч. Т.2. М. 1964.); Ўша муаллиф. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // Источники по истории Темура. Происхождение Темура, его личность; Ўша муаллиф. Отчет о

командировке в Лондон // Известия Академии наук, Сер.6.Т.3.Спб.1914. №13. Рукопись Британского музея: Ходжа Тажиддин ас-Сальмани (О событиях первых лет после смерти Темура); Рукопись анонимного сочинения по всеобщей истории, доведенного до смерти Темура. Ўша муаллиф. Историк Мусеви, как автор «Тарих-и хайрат» // Известия Академии наук. Сер.6. Т. Н.Спб., 1915. №13. С. 1365-1370; Ўша муаллиф. О погребении Тимура // Записки Восточного отделения русского археологического общества. Т. 23. Пгр. 1916. С.1— 32. (Бартольд В.В. Соч., Т.2, ч.2,С.423-454). (Бартольд В.В. Соч. Т.8, Москва.1973. С.74-97). Ўша муаллиф. Улугбек и его время. Пгр.1918.Бартольд В.В. Историческая литература на персидском языке //Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана // Бартольд В.В. Соч.,Т.2,4.1.Москва.1963. С.265-267. Темура и Темуриды. Бартольд В.В. [Темура и Темуриды]. Раздел VI «Истории Туркестана» // Бартольд В.В. Соч., Т.2, 4. Москва. 1963, С.157-162.Ўша муаллиф. История Туркестана (Конспект лекций по истории Туркестана с древнейших времен до завоевания его русскими) // Бартольд В.В. Соч.Т.2, ч.1. Москва., 1963, С. 157 —162; Ўша муаллиф. Краткий обзор истории Азербайджана // Бартольд В.В.Соч.Т.2,ч.1.Москва.1963.С.775—783; Ўша муаллиф. Место прикаспийских областей в истории мусульманского мира // Бартольд В.В. Соч. Т.2, 4.1. Москва.1963. С.731 —746; Ўша муаллиф. Мир Али-Шир и политическая жизнь (Алишер Навои) // Бартольд В.В, Соч. Т.2. Москва.1964. С.198-260;Ўша муаллиф. Историко-географический обзор Ирана (Соч. Т.7. М.1971. С.274 —310). Сочинения средневековых авторов о Темуре и его времени; Ўша муаллиф. Автограф рукописи для энциклопедии«Брокгауз-Ефрон» (с вариантами отличиями и со сведениями о«Автобиографии Темура»):Туманович Н.Н. Описание архива В.В.Бартольда. М.1976. С.246.

¹⁵Веселовский Н.И., рец.: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура, 1881 // Журнал Министерства народного просвещения. 1882; Ўша муаллиф. Надгробный памятник Тимура в Самарканде // Труды VII Всероссийского археологического съезда в Ярославле в 1887 г. Т.2, М., 1894. С.67 —72.Ўша муаллиф . Рец.: Автобиография Тамерлана / Пер. с тюркского Н.Лыкошина, Ташкент, 1894 // Журнал Министерства народного просвещения. Ч. 303, 1896, январь. (Отд.2). С. 224 — 272; Ўша муаллиф О надгробии Тимура // Записки Восточного отделения Русского археологического общества, Т. 16. Спб., 1906. С. —13.Ўша муаллиф.О первоначальном месте погребения Тамерлана // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. Т.16.Спб. 1906. С.20-21.

¹⁶.Массон М.Е. Мавзолей Гур Эмир, усыпальница Тимуридов, изд. 2-е. Самарканд.1920;Ўша муаллиф. О местонахождении сада Тимура«Давлет Абад» // Известия Средне азиатского комитета по делам музеев и охране памятников старины, искусства и природы. Вып. 3. Ташкент, 1928; Ўша муаллиф. О постройке мавзолея Ходжа Ахмеда в городе Туркестане // Известия Среднеазиатского географического общества. Вып. 19. Ташкент, 1929. Ўша муаллиф. Регистан и его медресе. Изд. 2-е, измененное и дополненное. Самарканд,1929; Ўша муаллиф. Соборная мечеть Тимура, известная под именем мечети Биби Ханум. Изд. 2-е. Самарканд, 1929. (1-е издание 1926 г.); Ўша муаллиф. Мавзолей ХоджаАхмада Яссави.Ташкент.1930; Массон М.Е. Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбеке // Труды Средне азиатского государственного университета. Нов. сер.Вып. 61. Гуманитарные науки. Кн.6. Археология Средней Азии. Ташкент, 1953; Ўша муаллиф. Прошлое Ташкента (Археолого-топографический и историко-архитектурный очерк) // Известия АН УзССР.1954;Ўша муаллиф. К истории монетного чекана Средней Азии XIV-XV века периода правления Тимура и Халил Султана // Общественные науки в Узбекистане. 1969.

¹⁷.Петрушевский И.П. К истории института сойургала // Советское востоковедение. Т. 6. Москва-Ленинград.1949;Ўша муаллиф. Движение сербедаров в Хорасане // Ученые записки Института востоковедения АН СССР. Т. XIV. М.1956;Ўша муаллиф. Иран под властью Темура и Темуридов // История Ирана. М. 1977; Пигулевская Н.В., Якубовский А.Ю., Петрушевский И.П., Строева Л.В., Беленицкий А.М. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII в. Ч-1. 1958.

¹⁸.Пугаченкова Г.А. Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и Тимуридов // Труды Средне азиатского государственного университета.Нов.сер.Вып.57.Исторические науки.Кн.7.Ташкент.1957; Пугаченкова Г.А., Ремпель Р.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана.Ташкент, 1958; Ўша муаллиф. Архитектурные памятники Мавераннахра эпохи Улугбека // Из истории эпохи Улугбека, Ташкент, 1965; Ўша муаллиф. Термез, Шахрисабз, Хива (Архитектурные памятники I —XIX вв.).М.1976; Ўша муаллиф. Памятники искусства Советского Союза.Средняя Азия.Справочник-путеводитель // Москва-Лейпциг: Эдицион. 1983; Ўша муаллиф. рец.: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура. М, 1990 // Общественные науки в Узбекистане. 1991;Ўша муаллиф. Самарканд. Бухара. По древним памятникам Самарканда и Бухары. Изд. второе, дополненное .Москва.1968; Ўша муаллиф. Темурнинг меъморий мероси. Архитектурное наследие Темура.Тошкент.1996.

¹⁹Массон В.М, Ромодин В.А. Тимур и Тимуриды //История Афганистана древнейших времен до начала XVI в. Москва.1964.

²⁰Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Ташкент.1965; Ўша муаллиф. История, культура и искусство времени Темуридов в советской литературе (Библиографический указатель)

назаридан катта миқдордаги тарихий манбалар тадқиқ этилди. Аммо бу асарларнинг баъзиларида ижтимоий фанларда ҳукмрон бўлган марксистик услуб, синфийлик ва партиявийлик асосида яратилганлиги сезилиб турилади. Шунинг учун бу тадқиқотларда тарихий жараёнлар бир томонлама ёритилган. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач тарихга янгича ҳолисона ёндашиш учун қулай шарт-шароит пайдо бўлди.

Учинчи гуруҳга мустақиллик йилларида яратилган илмий тадқиқотлар киради. Бу даврда Амир Темур ва Темурийлар даврини тарих фанида янгича назарий-методологик ёндашувлар асосида ўрганиш мезонлари ва тарихшунослик тадқиқотлари яратилди²². Мустақиллик йилларига мансуб адабиётлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан тарихга ҳаққоний баҳо берилди бошланди. Бош мезон сифатида халқ манфаатлари юқори қўйилди. Айнан шундай ёндашувнинг асосий томонлари И.А.Каримов асарларида²³, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил декабрдаги «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш» ва 1998 йил июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари баён этилган. Сўнгги йилларда А.Ўринбоев²⁴, Б.А.Аҳмедов²⁵, Д.Юсупова²⁶, У.Уватов²⁷, О.Бўриев²⁸ каби тадқиқотчилар Амир Темур ва

// Общественные науки в Узбекистане. 1969; Ўша муаллиф. Жизнь и деятельность академика В.В.Бартольда. Средняя Азия в отечественном востоковедении.Ташкент.1981; Ўша муаллиф. На переломном этапе. Размышления историка // Коммунист Узбекистана. 1990; Ўша муаллиф. Новая книга о Тимуре и несбывшиеся надежды ее читателей // Общественные науки в Узбекистане. 1992; Ўша муаллиф.Амир Темур ва унинг даврига оид манбалар / Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тошкент.1996; Ўша муаллиф. Улуғбек ва унинг даврига оид манбалар / Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тошкент, 1996.

²¹Муминов Иброхим. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ёзма манбалар маълумоти асосида.Тошкент.1968; Ўша муаллиф.Об исторических условиях развития искусства Средней Азии эпохи Темуридов // Общественные науки в Узбекистане.1969; Ўша муаллиф. Самарканд — столица Темуридов (Темур и его правление) // История Самарканда. Т. 1, Ташкент.1969;Ўша муаллиф. Али Кушчининг бир рисоласи ҳақида // Фан ва турмуш. 1967.№5; Ўша муаллиф. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии в свете данных письменных источников // Общественные науки в Узбекистане. 1993.

²²Темур ва Улуғбек даври тарихи.Қомуслар. Бош таҳририяти, 1996. Б.264.Амир Темур жаҳон тарихида. Ҳ.Кароматов таҳрири остида, Тошкент. «Шарк»-2001.Б.301.

²³.Каримов И. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том.Тошкент.«Ўзбекистон».1996; Ўша муаллиф. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин.2-том.Тошкент.«Ўзбекистон».1996; Ўша муаллиф. Бунёдкорлик йулидан.4-том.Тошкент. «Ўзбекистон».1996.

²⁴. Ўрунбаев А. Путевые записки Абдураззак Самарканди о его поездке в Индию.Ташкент.1960; Ўша муаллиф.Абдураззак Самарканди.Ташкент.1965;Ўша муаллиф. Шараф ад-Дин Али Йазди и рукопись его труда // Шараф Ад-Дин Али Йазди. Зафарнаме / Подг. к печати, предисл. А.Урунбаева.Под ред.А.К.Арендса.Ташкент.1972.

²⁵Аҳмедов А. Амир Темур ҳақида ҳақиқат // Фан ва турмуш, 1990. № 8; № 9; № 10; Ўша муаллиф. Хондамир.Тошкент.1965; Ўша муаллиф. Давлатшоҳ Самарқандий.Тошкент.1967;Ўша муаллиф. Улуғбек. Тошкент, 1989.

²⁶. Юсупова Д.Ю. «Муджмал-и Фасихи» — свод исторических сведений XIV—XV вв. // Общественные науки в Узбекистане. 1972. № 6; Ўша муаллиф.«Муджмал-и Фасихи» как источник по истории Средней Азии и Среднего Востока. Ташкент, 1974; Ўша муаллиф. Жизнь и труды Хондамира .Ташкент.2006.

²⁷Уватов У. Ибн Арабшах о Тимуре // Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока / Сб. статей молодых ученых и аспирантов Института востоковедения АН УзССР. Вып.1. Ташкент.1970; Ўша муаллиф. Судения Арабшаха о Мавераннахре // Там же: Вып. 2, 1975г; Ўша муаллиф. Об Ибн Арабшахе и его книге «Ажойб ал-макдур фи тарихи Таймур» // Общественные науки в Узбекистане. 1972. № 7; Ўша муаллиф. Ибн Арабшах и его сочинение «Аджаиб ал-макдур фи тарихи Таймур» Автореф. канд. дисс. Ташкент, 1974.

²⁸. Бўриев Омонулла. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. Тошкент, 1997; Ўша муаллиф. Хоразмшоҳлар — Темурийлар. Тошкент. 1999.

Темурийлар даври меъморилик ва ободончилик ишлари бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Мазкур тадқиқотларда келтирилган маълумотларнинг қийматини пасайтирмаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ушбу мавзуга оид махсус умумлаштирилган иш ҳозирга қадар мавжуд эмас ва алоҳида илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Диссертациянинг «**Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда меъморилик ва ободонлаштириш соҳаси тарихи тарихшунослиги**» деб номланган иккинчи бобида Мовароуннаҳр илм-фани, маданият ривожидида меъморий обидаларнинг бунёд этилиши масалалар таҳлил қилинган.

Маълумки, Амир Темур узокни кўзлаб, фан ва маданиятни ривожлантириш учун меъморий обидаларни қурилишига, илимли ва саводли кишиларни кўпайтиришга катта аҳамият берган. Шу сабабли давлатларга юриш қилганида у ерлардан етук мутахассисларни (олим, архитектор, шоир, хаттот, муқовачи) ўзи билан Самарқандга олиб келган. Табиийки, ижод қилиш учун уларга яхши шароит яратиб берган, чунки у биринчи ўринда турган масала эди. Давлатри ривожлантириш учун биринчи ўринда қалъалар ва муҳофаа иншоатлари қуриши муҳим аҳамият касб этса, илм-фан, маданият ривожидида мақбара, мадраса, масжид ва баъзи ҳолатларда хонақоҳлар муҳим ўрин тутар эди. Амир Темур ҳаётлигидаёқ Самарқандда кўплаб муҳофаа иншоатлари ва меъморий обидалар қурилган. Бу хайрли анъанани унинг авлодлари –Халил Султон, Шохрух, Улуғбек, Хусайн Бойқоро, Бадиъ аз-Замонлар давом эттирди.

Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида Амир Темур даврида амалга оширилган қурилиш бекиёс кўлам касб этди. Бунда, авваламбор, шаҳар қурилишида истехкомлар барпо қилиш, шоҳ кўчаларни тартибга солиш, аниқ уюштирилган меъморий мажмуалар яратиш бўйича улкан тадбирлар амалга оширилди. Шу йўналишдаги асосий ишлар Самарқандда жамланди. Темур ва Темурийлар даврида шаҳарларнинг асосий қисми «ҳисор» деб аталган ва бу атама ўрта асрларда мўғуллар давригача бўлган «шаҳристон» тушунчасидан фарқ қилади. Ҳисор шаҳарнинг асосий қурилишлари ва савдо-хунармандчилик соҳаларини ўз ичига олган ёки умуман янги жойда вужудга келган, лекин барибир меъморий жиҳатдан ўзаро уйғун бўлган асосий маъмурий ва мафкуравий бўғинларни ўзида жамлаган.

Амир Темур ҳузурига келган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундаликлари»да Самарқанд қиёфаси яққол акс этади. Ўз даврининг бу ноёб ҳужжатида Европо Ренессанси вакилининг синчков руҳи билан атроф борлиққа, шу жумладан, мусулмон Шарқига нисбатан кенг кўламдаги қизиқиш намоён бўлади. «Самарқанте шаҳри, – деб ёзади Клавихо, – текисликда жойлашган ва атрофи тупроқ, кутарма ҳамда жуда чуқур хандақ билан ўраб олинган. Шаҳар девори билан ўраб олинган, унинг ички қисми (Испаниядаги) Севилья шаҳридан бир оз катта, шаҳар атрофида эса (унга) ҳар томондан ёндошиб келувчи турар жой

бинолари кўп. Бутун шаҳар боғ-роғлар ва узумзорлар билан ўраб олинган²⁹. Шунини таъкидлаш жоизки, Клавихо шаҳар ички қисм ҳақида ёзган бўлиб, у ёзганидан анчагина катта бўлган. Бу вақтга келиб Самарқанд киёфаси қуйидагича таркиб топди: илонизи девор майдони 500 гектарли ҳисорни ўраб олган. Шаҳарда олти дарвоза: шимолида Шайхзода ва Оҳанин, шарқида Феруза, жанубида Сўзангарон ва Коризгоҳ, ғарбида Чорсу дарвозалари бор эди³⁰.

Амир Темур даврида Самарқандда қурилган ишоатлар орасида Амир Ферузшоҳ, Муҳаммад Султон, Мир Бурундук, Қутбиддин Садр, Сароймулкхоним (Бибихоним) мадрасалар, Идигу Темур мадрасаси, Гури Амир номи билан машҳур мажмуа, Рухиобод мақбара, Шоҳи Зинда мажмуасидаги бир қанча мақбаралар, Кўк саройва Бустонсарой қалъалари, кўплаб карвон саройлар ва шаҳарнинг мудофаа деворлари алоҳида ўрин тутди. Сароймулкхоним (Бибихоним) мадрасаси Самарқанднинг Оҳанин (Темир) дарвозаси яқинида, онасининг мақбараси ёнида, Амир Темур қурдирган. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида мадрасага кириладиган дарвоза пештоқининг ниҳоятда баланд, кенг ва гўзаллигини³¹, Ибн Арабшоҳ «*Ажойиб ал-мақдур фи навоиб ат-Темур*»да мадрасанинг салобатли эканини³², Фасих Ҳавофий «*Мужмал-и Фасихий*» да мадраса айвонларининг баландлигини³³ алоҳида эслатган. Амир Темурдан сўнгра шаҳарда набираси Мирзо Улуғбек 40-йиллик ҳукумронлиги даврида меъморий обидалар қурилишида ва қайта тиклашда жонбозлик кўрсатди.

Мирзо Улуғбек Самарқанд Амир Темур даврида қурилган бир қанча меъморий обидаларни қайта таъмирлаш билан бирга ўзи ҳам ажойиб иншоатлар барпо этди.

Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда қурдирган мадрасаси алоҳида диққатга сазовордир. У «мадрасаи олия» деб аталган, унда Улуғбек мударрислар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият бериб, ўз замонасининг энг илғор олимларини бу ишга жалб этган. Мадраса очилиш кунини биринчи бўлиб Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий ва астроном Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий каби машҳур олимлар кириш маърузаси ўқиганлар. Қозизода Румий ғоят йирик ва атоқли олим бўлиб, замондошлари унга «Афлотунни замон» деб ном қўйганлар. Шунингдек, машҳур математик ва астроном Ғиёсиддин Жамшид Коший, Абдуали ибн Муҳаммад Биржандий, Али Қушчи каби олимлар ҳам Улуғбек раҳбарлиги остида астрономия соҳасида самарали илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланганлар. Мирзо Улуғбек даврида у асос солган астрономия мактаби ҳамда мадрасаси қошида ўнлаб аллома фаолият кўрсатган бўлиб, Мавлоно Ҳавофий, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи ва Мавлоно Исомиддинлар олийгоҳнинг ёрқин юлдузлари эдилар. Бу даврда Фазлуллоҳ Абулайсий ҳам фаолият кўрсатган. Шоир Абдурахмон Жомий эса Самарқандга нафақат илм олиш учун келган,

²⁹Де Клавихо Руи Гонсалес. Дневник путешествия в Самарқанд ко двору Тимура (1403-1406). Пер.И.С.Мироковой. – Москва.1990.с.138.

³⁰Массон М.Е. Самарқанд времени Улугбека.Ж. Звезда Востока, 1958, №5.

³¹Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. 935-бет.

³²Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. I китоб. 314-315-бетлар.

³³Фасих Хавафи. Мужмал-и Фасихи. С. 125.

балки Улуғбек мадрасасида мударрислик қилиб, талабаларга таълим ҳам бера бошлаган³⁴.

Мадрасадан ташқари Мирзо Улуғбек Самарқандда хонақоҳ, Мирзои карвонсаройи, Регистон майдони яқинида ҳозирда ҳам турган ҳаммом, Расадхона ва бошқа бир қанча меъморий обидалар бунёд эттирди.

Самарқанд шаҳри ва шаҳар атрофида Амир Темур ҳамда Мирзо Улуғбек 12 та боғ барпо этган. Бу қўйдаги боғлар ҳисобланади:

Дастлаб – XIV асрнинг 70-йилларида Кўҳак тоғи этагида «Боғи Нақшижаҳон» қурилган. 1378 йили Самарқанддан ғарбда Темурнинг хотини Туманоғо учун «Боғи Беҳишт» барпо қилинди. «Боғи Амирзода Шоҳруҳ» 1394 йили Шоҳруҳ Кавказ ортига юришидан қайтиши шарафига бунёд этилган бўлса керак.

«Боғи Бўлду» («Олис» деб ҳам аталган) Самарқанднинг шарқида, Кўҳак Хиёбон мавзеида жойлашган «Боғи Дилқушо» ҳам шаҳардан шарқда, Хончорбоғ деган жойда бўлган, у 1396 йили қўрила бошланиб, 1399 йили битказилган, аммо саройдаги безак ишлари кейин ҳам давом этаверди.

«Боғи Шамолни» Темур 1397 йили набираларидан бири – Мироншоҳнинг қизига атаб қурдирган, у Самарқанддан шимол томонда жойлашган эди.

«Боғи Зоғон» ҳам Кўҳак Хиёбон мавзеида бўлиб, «Боғи Бўлду»дан ўтилгандан кейин келган.

«Боғи Баланд» Темурнинг энг ажойиб боғларидан бири бўлган.

«Боғи Давлатобод» 1399 йили Самарқанддан жанубда, Дарғом чўлида, Темур Хиндистонга юришидан қайтиши шарафига қурилган.

«Боғи Чинор» шаҳардан жанубда эди.

«Боғи Нав» 1404 йили Самарқанд хисорининг ғарбий девори ортида қурилган.

«Боғи Жаҳоннамо» Шаҳрисабз йўлида, чамаси, Тахтақорача давонига чиқаверишдаги ёнбағарликка қурилган.

«Боғи Майдон»ни Афросиёбнинг шимолий томонида Темур қура бошлаган ва Улуғбек яқунлаган³⁵.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Самарқанддан ташқари салтанатнинг кўплаб бошқа шаҳарлари: Бухоро, Гиждувон, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкентда ҳам меъморий санъатнинг ноёб обидалари барпо қилинди. Аммо қурилиш миқёси ва безаклар буйича Самарқанддаги иншоотлар устунлик қиларди. Тошкентда пештоқ ва гумбазли, йирик қабртоши тоштарошлик санъатининг ноёб намунаси бўлган Зангаота мақбараси³⁶ ва Шайхонтохур мажмуаси³⁷ диққатга сазовор. Мажмуа кейинги даврда қайта қурилган муътабар шайх Хованди Тохур мақбараси асосида таркиб топди. Бу ердаасрий дарахтлари бор хиёбон, муъжазгана масжид ва минора, бир неча дахма ва кўплаб уймакор қабртошлар бўлган.

³⁴Каттаев К. Самарқанднома. 152-бет.

³⁵Пугаченкова Г.А. Садово-парковое искусство. С. 152.

³⁶Шишкин В.А. Мазары в Занги-ата. В кн.: В.В.Бартольд, Туркестанские друзья и почитатели. – Ташкент, 1927. С.90.

³⁷Пугаченкова Г.А. Мавзолей Калдиргач бика. Известия АН СССР. Серия Архитектурная. Вып.2. – Алма-Ата. 1950. С. 90.

Бу салтанатнинг кўчманчи қозоқ аҳолиси кўп яшайдиган шимолий қисмидаги Ясси (кейинрок Туркистон деб аталган) шаҳрида қурилган Ахмад Яссавий мақбараси ҳам ажойиб меъморий иншоат ҳисобланади.³⁸

Айниқса, Кеш (Шаҳрисабз)да бунёд этилган меъморий обидалар ўзининг безаклари ва кошнлари билан ажралиб тўради. Шу ерларда туғилиб ўсган Темур даврида унинг уруғига отамерос мулк бўлган Кеш шаҳар қурилиши жихатидан якуний қиёфасини топди. Ҳофизи Абрунинг маълумотларига кўра, ҳисор девори қурилиши 780/1378 йили бошланган ва шу йили тўғатилган. Туғри тўрт бурчак шаклдаги деворнинг тўрт томонида дарвозаси бўлган. Шаҳар ҳисорнинг жанубий-ғарбда Темурнинг ҳукумат саройи бўлган – Оқсарой бунёд этилди, унинг қаршисида эса аслзодалар ва руҳонийларнинг маҳаллалари жойлашди. Шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисми ҳунармандлар ва шаҳар фуқароларининг маҳаллаларидан иборат эди. Ҳисор атрофидаги работлар эса каналлар бўйлаб ястанган боғ-роғлар, узумзорларга туташиб кетган, кўзларни қувнатувчи бу ям-яшиллик эса Кешнинг иккинчи - Шаҳрисабз номи беҳуда берилмаганини кўрсатад³⁹. Кошин қопламаларда тасвирий мавзу ниҳоятда кам учрайди. Темурнинг Шаҳрисабздаги саройи Оқсарой пештоқларида шер билан кўёшнинг жуфт тасвирлари учрайдики, бу соф рамзий белгидир.

Шунингдек, Шаҳрисабзда бу даврда Кўк Гумбаз мақбарасида, Дор ас-сайъадат (Сайидлар, раҳбарлар уйи) каби меъморий обидалар бунёд этилди⁴⁰.

Мовароуннаҳнинг қадимги шаҳарларидан бири бўлмиш Бухорода ҳам Темурийлар даврида бир қанча ажойиб меъморий обидалар қурилган. Хусусан, Улуғбек даврида Токи Заргарон, Бухоро руҳонийларига ҳурмат-эҳтиром маъносида муғуллар давидан олдин барпо қилинган Бухоро Жомъе масжиди (Калон масжиди)ни кенгайтириш ва қайта кўриш бўйича катта куламдаги ишлар олиб борилди, 1417 йил Бухорода, 1432-1433 йилларда Ғиждувонда мадрасалар қурдирган. Мирзо Улуғбекнинг Бухородаги мадрасасининг кириш дарвозаси ўнг табақасининг юқорисида битилган машҳур ҳадис – «Билим олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» деган илм-билимга ташвиқ ва тарғиб этувчи ёзув битилганлиги Мирзо Улуғбекнинг таълим тизимида, унинг ўчоқларидан бири бўлмиш мадрасаларга алоҳида эътибор қаратганидан далолат беради⁴¹.

Кўриниб турибдики, Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда нафақат пойтахт Самарқандда, балки Шаҳрисабз, Бухоро, Ғиждувон, Тошкент каби кўплаб шаҳарларда меъморчилик, ободончилик, боғдорчилик ва суғориш тармоқлари ривож топди.

Диссертациянинг «Амир Темур ва Темурийларнинг Хуросон ва унга қўшни ҳудудларда меъморчилик ва ободонлаштириш ишлари

³⁸. Массон М.Е. Мавзолей Ходжа Ахмеда Ясеви. Ташкент, 1930; Маньковская Л.Ю. К изучению приемов среднеазиатского зодчества конца XIV в. (Мавзолей Ходжа Ахмеда Ясеви). Искусство зодчих Узбекистана. Вып. 1. Ташкент. 1967.

³⁹Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Тимуре и Улугбеке // Труды Среднеазиатского государственного университета. Нов. сер. Вып. 61. Гуманитарные науки. Кн. 6. Археология Средней Азии. Ташкент. 1953. 80-бет.

⁴⁰Пугаченкова Г.А. Термез, Шаҳрисабз, Хива (Архитектурные памятники XI—XIX вв.). С. 207.

⁴¹Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари. 6-бет.

манбашунослиги»деб номланган учинчи бобида Хуросон пойтахти Ҳирот ва бошқа шаҳарларида олиб борилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари манбалар ҳамда илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинган.

Самарқанддан сўнг маданият, фан ва таълим маркази Ҳирот бўлиб, меъморчиликнинг ривожини айниқса, Шоҳрух Мирзо, Султон Хусайн Бойқаро ва Бадиъ аз-Замон даврларига тўғри келади. Маданий ҳаёт фан, таълим, маданият, меъморчилик ва хаттотлик санъатининг ривожланишида Алишер Навоийнинг алоҳида ўрни бор.

Ҳирот муғуллар босқинидан сўнг ҳароба шаклига келиб қолган бўлиб, дастлаб, Соҳибқирон Амир Темур шаҳарнинг қалъасини қайта тиклатган бўлса, Шоҳрух Мирзо шаҳарни бутунлай қайта тиклатиб, Хуросон давлатининг пойтахтига айлантирди. Бу борада Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»асарида шундай ёзади: «Хуросон, айниқса, доруссалтана Ҳирот, гарчи уни бино этишда бир неча улуг подшоҳлар саъй-ҳаракат қилган бўлсаларда, бироқ Шоҳрухнинг бахтли ҳукмронлиги замонида бекиёс равнақ топди ва юксалди. Шоҳрух саккиз юз еттинчи (1405) йили уни қайта қуришга ишорат қилди. Кўча-бозорлар қадим замонда усти ёпилмаган бўлиб, чанг-ғубор асоратидан ва ёғин-сочиндан бозорчилар ва савдоаҳли заҳмат чекардилар. Подшоҳ (Шоҳрух) фармони билан бозорларнинг асосини ганч ва ғиштдан ишлаб, олий тоқлар барпо этдилар, бозор расталарини бир-бирига қўшдилар, ҳар ер-ҳар ерда ёруғ тушиб туриши учун туйнук қолдирилди. Кузатувчилар нигоҳида ул дилкушо жой расталар бўйича жойлашган дўконлар, баланд супалар, юксак ҳужралар ва бозордан иборат эди. Чорсу мураббаъ (квадрат) шаклида қурилган бўлиб, атрофдаги яхши жойларнинг марказига жойлашган. Бу ерга тўрт дарвозадан тўртта раста чўзилган. Подшоҳ Шоҳрух шаҳарнинг шимол томонида, қўрғон этагида, жануб томонида бир-бирига туташ мадраса ва олий хонақоҳ қурдирди, оралиқ масофа катта сарой саҳни билан баланд супадан иборат эди, кириш эшигининг икки томонидан бир-бирига рўпара икки минора жойлашган»⁴².

Ҳирот шаҳрида бунёд этилган меъморий обидалар орасида мадрасалар муҳим аҳамият касб этиб, мадраса таълим-тарбия учоғи ҳисобланади. Хуросонда IX-X асрлардан фаолият бошлаган бўлиб, уларнинг асосий қисми Темурийлар даврида ҳам ўз фаолиятини давом эттирган ва равнақ топган. Табриздаги қози Шайх Али мадрасаси, Камолиддин Фармоншайх мадрасаси, Кермондаги Мадраса-и Туркон, Ҳиротдаги Ғиёсия мадрасаси, Султониядаги ар-Рашидия ёки Доробия мадрасаси, Ҳиротдаги Сабзбарамон (ёки Барамон) мадрасаси, Шайх-ул-ислом мадрасаси⁴³, Шероздаги Кардужин-хотун мадраса⁴⁴лари шулар жумласидандир. Ҳиротда 40 дан ортиқ мадраса бўлиб, Хусровия, Амир Алека Кўкалтош, Маҳди Улё Гавҳоршод-оғо, Камолиддин Фармоншайх, Низомия, Милкот-оғо Шифоия, Ихлосия мадрасалари ва Халосия хонақоҳига дунёнинг турли мамлакатларидан

⁴²Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. I-ж. 1-кисм . 186-187-бетлар.

⁴³Мирхонд. Ровзат ас-сафо. Бомбей нашри. VII ж. 176-бет.

